

# РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ



**Абдуллаева Хулкар Рахматуллаевна**

**Оила кутубхонаси**

## **ИНТЕРНЕТ ВА БОЛАЛАР**

**(интернетдан фойдаланиш маданияти)**

**ТОШКЕНТ-2016**

Х. Абдуллаева. Интернет ва болалар. Рисола.-Т.: РОИАМ, 2016, 34 бет.

Мазкур рисола бугунги долзарб масалалардан бири Интернет тизими ва болаларда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишланган бўлиб, ота оналар учун мўлжалланган. Рисолада ота оналарга тавсиялар, қизиқарли маълумотлар, тестлар ўрин олди.

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг А-1-069 рақамли “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилди.

**Нашр учун масъул: Ҳ.Х. Мамадалиева** – Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори в.б., иқтисод фанлари номзоди

**Такризчи: Б.М.Умаров** – психология фанлари доктори, профессор

Мазкур рисола Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий Кенгаши йиғилишининг 2016 йил “27” майдаги 2 - сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

*Бугунги ҳаётимизни Интернет тармогисиз тасаввур этиш ниҳоятда қийин. Унинг пайдо бўлганига ҳали ярим аср бўлмаган бўлсада, шу давр мобайнида у бутун жаҳонни қамраб олишга улгурди.*

Дастлаб бу тизим фақат ҳарбий мақсадларда ишлатилиши кўзда тутилди. Яъни бу тизим турли тадқиқот марказлари ишини мувофиқлаштириши, ахборот алмашиш, ўзаро алоқага эга бўлиш учун ишончли ва мукамал ишлайдиган тизим сифатида фаолият юритиши, тармоқнинг бир "бўғини" ишдан чиққан ҳолда бошқа қисмлар зарар кўрмасдан, ишини давом эттириши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Аммо тизим фақат ҳарбий мақсад доирасидан четга чиқиб, кенг миқёсда фойдаланила бошлади.

Бугунги кунда эса Интернет тизими бутун дунёни қамраб олишга улгурган, вақт, жой танламайдиган беқиёс имкониятларга эга бўлган энг катта тармоқ тизими саналади.

Ўзбекистонда Интернетнинг кириб келиши мустақиллик йилларига тўғри келди. Илк пайтда бу тармоқ фақат электрон почта сифатида фаолият юритди. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТнинг Ўзбекистонда Интернетни ривожлантириш лойиҳаси ташкил этилди. Кейинчалик бу ЎзНет номи билан танилди. Шу даврдан бошлаб Интернет тармоғидан Ўзбекистонда кенг миқёсда фойдаланила бошланди.

*Дастлабки пайтда интернет тизимидаги саноқли фойдаланувчилар сони бугунга келиб 32 миллиардни ташкил этади. Ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўзгариб*

***бормоқда. Ўзбекистонда бу тизимдан фойдаланувчилар сони 10 миллиондан ошди. Фойдаланувчиларнинг 90% ни ёшлар ташкил этади.***

Ўзбекистонда Интернет тармоғидан фойдаланишни тартибга солувчи бир неча Қонунлар (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрида қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2014 йил 4 сентябрда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни (2011 йил 30 декабрда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган) мавжуд бўлиб, тизим шу Қонунлар доирасида фаолият юритади. Кейинги йилларда ахборотлаштиришнинг кучайиши, янги ахборотга эҳтиёжнинг ортиши Интернет тизимига эҳтиёжни янада оширмоқда. Йилдан йилга Интернет фойдаланувчиларнинг сони кенгайиб, уларнинг асосий қисмига болалар қўшилиб бормоқда. Бунинг яхши жиҳатлари шундаки, болалар ахборотлашган жамиятга тезроқ мослашиб борадилар ва келажакда жамиятда ўз ўринларини топиш учун кенг имкониятларга эга бўладилар. Чунки Интернет орқали улар ўз хоҳиш ва истакларидан, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ўқиши, ўрганиши, изланиши мумкин. Интернетдаги ахборот жараёнларининг тезлашуви уларни янада билимли ва заковатли бўлишга ундайди. Билим ва заковат орқали эса улар жамиятда муносиб ўрнини топиб, давлатимиз равнақига ўз хиссасини қўшиш, ўз қобилиятларини руёбга чиқариш имконига ҳам эга бўладилар. Бежизга давлатимиз раҳбари И.А.Каримов, “Барчамиз бугун чуқур англаб олдик – фақатгина замонавий асосда таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган

мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади” деб айтмайдилар. Шу сабабли, фарзандларимизга шундай тарбия беришимиз лозимки, улар замон билан ҳамнафас қадам ташлаши, шу билан бирга ўз миллати қадриятларини унутмаслиги, ўз тарихини ҳурмат қилиши лозим бўлади. Шундай экан, Интернет ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган бир пайтда Интернет маданияти ҳақида бонг уришимиз бежиз эмас, бугунги глобаллашув даврида, мафкуравий таҳдидлар кучайган бир пайтда, бу алоҳида зарурият касб этади.

*Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.*

*Боланинг онги асосан 5—7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.*

*Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши — буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради.*

*“Юксак маънавият- енгилмас куч” асари  
И.А.Каримов*

Интернетдан тўғри ва ижобий маънода фойдаланувчилар қаторида ундан ўз манфаати йўлида фойдаланадиган вертуал ҳуқуқбузарлар, жиноятчилар, мафкуравий таҳдидчилар ҳам талайгина. Бундай омилларнинг, жумладан ҳаётимизда юзага келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш, фарзандларимизни бу таҳдидлардан асраш, салбий оқибатларни камайтириш ё бутунлай бартараф этиш мақсадида ҳам Интернет маданиятини кенг тарғиб этиш асосий вазифамизга айланиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, зарур ахборот иммунитетини, интернет тизимидан оқилона ва тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантирмасдан туриб болаларимизнинг бахтли, тинч ва осуда ҳаётини таъминлай олмаймиз.

## ИНТЕРНЕТ ОЛАМИ ВА БОЛАЛАР



Бугунги кунда Интернет фойдаланувчиларининг асосий қисми ёшлар бўлиб, улар ахборот излаш, уни олиш, жўнатиш, тарқатишни яхши биладилар. Бундан ташқари, улар бу тизимдан кенг миқёсда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Интернетда уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос ҳар қандай ахборотни топиш мумкин. Кейинги йилларда Интернетнинг унумли фойдаланувчилари қаторига болалар қўшилиб бормоқда. Бу уларнинг ўта қизиқувчан, ҳар қандай ахборотга эҳтиёжи баландлиги билан изоҳланиши мумкин. Шундай экан, уларни бу қизиқишларини қондириш, аммо Интернет маданияти ҳақида ҳам тушунча бериш лозим бўлади.

**Ўқинг, қизик!** *Инсон мияси 15 ёшгача ҳар қандай ташқи маълумотларни ўта фаол даражада қабул қилиб, ўргана бошлайди. 15-20 ёш орасида бу жараён бироз сустлашади, бироқ йўқолмайди. Демак, ўсмирлик даврида инсоннинг мияси, асосан, маълумот тўплайди, лекин уни тўғри таҳлил қила олиш қобилиятига ҳали тайёр бўлмайди. Шунинг учун ҳам болалик ва ўсмирлик даври асосан тақлид қилишдан иборатдир. Улар яхши нарсга ҳам, ёмон нарсга ҳам тақлид қилаверишади. 20 ёшга яқинлашган сайин тақлидчанлик камайиб боради. Бироқ, болалик ва ўсмирлик даврида олинган маълумотлар унинг келажак ҳаётида акс этмасдан қолмайди. Баъзан, мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналари уларнинг диққати тарқоқ, хотираси заиф бўлиб бораётганидан нолишади. Бош мия асосан кераксиз маълумотлар билан кўп ишлайверса, эслаш қобилияти*

*сустлаша бошлайди. Шунингдек, бола ўта инжик, жаҳлдор, насиҳатларга қулоқ солмайдиган, ўзбошимча, ҳиссиётсиз бўлиб ўсади. Ёшларнинг компьютер ва интернетдаги сайтлар ҳамда ўйинларга боғланиб қолиши нафақат юқоридаги ҳолатларни келтириб чиқаради, балки бошқа турли хил хавфли касалликларга чалинишига ҳам сабаб бўлади. Демак, ота-оналар ўз фарзандлари билан ҳар доим тушунтириши ишларини олиб боришлари ва уларнинг руҳияти ҳамда жисмоний ҳолатидаги оддий ўзгаришларга ҳам эътиборли бўлишлари лозим.*

Қуйида биз болаларнинг асосий фойдаланадиган манбааларини кўриб чиқамиз:

**1. Махсус дастурлар:** Бундай дастурлар сирасига Интернет тизимидаги хабар алмашиш учун мўлжалланган махсус дастурлар киради. Бундай дастурлар бир неча сонияда хабар, расм жўнатиш, компьютер камераси орқали кўриб гаплашиш имконини беради. Шунингдек, бундай дастурларда тармоқ ўйинларини ўйнаш, файл алмашиш, видео ва кино алмаштириш имкони ҳам мавжуд.

**Диққат!** Бундай дастурларда болаларнинг кўпчилиги тилни ишлатиш қоидаларига риоя қилмайдилар. Жаргон сўзларнинг ишлатилиши, сўзларнинг ноўрин қисқартирилиши, сўзлар ўрнига бошқа ҳарфлардан фойдаланиш кабилар шулар жумласидан. Бу эса ҳали саводи тўлиқ шаклланмаган болаларга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бола хабар жўнатаётганда кимга, нима жўнатаётганини ўйлаб ўтирмайди. Жўнатилган хатни эса ўчиришнинг иложиси йўқ саналади. Бу каби дастурнинг яна бир салбий жиҳати, бола шунчаки зериккандан гаплашиб ўтиради. Бу эса унда интернет тобеликни келтириб чиқаради.



**2. Электрон почта.** Электрон почта ҳам юқоридаги дастур каби хабар ва хат алмашилиш имконини беради. Болалар камдан-кам ҳолларда электрон почтадан фойдаланадилар. Аммо фойдаланадиган қисми ҳам электрон почтаси орқали компьютер фаолиятини ишдан чиқарадиган вирусли дастурлар жўнатилиши ҳақда ҳеч қандай ахборотга эга бўлмайдилар.

**3. Катталар учун мўлжалланган махсус сайт ва порталлар.** Бундай дастурлардан фойдаланишни кичик ёшдаги болалар ҳам ўрганиб олишган. Бунга ижтимоий тармоқларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Ижтимоий тармоқларнинг асл мақсади эски таниш-билишлар, дўстлар, синфдошлар, курсдошларни топиш учун мўлжалланган бўлсада, бугунги кунда у жуда оммалашиб, нафақат дўст орттириш балки қизиқишлар билан ўртоқлашиш, фикр алмашиш, расм жойлаш ва энг кўп лайк тугмаси эгасига айланиш имконини беради. Ҳар бир фойдаланувчи ўз саҳифасига эга бўлиб, керакли ва муҳим деб билган ахборотни унга жойлаб боради. Бундай дастур чатларида болалар ҳам бемалол дўст орттириш имконига эга бўладилар.

**4. Интернет чатлари.** Болалар ўта қизиқувчан, турли нарсалар ва ҳолатлар ҳақида билим олишни, бу ҳақда тинмай гапиришни яхши кўрадилар. Баъзан ярим соат олдин гаплашган ўртоғи билан ҳам яна мулоқот қилиш истаги туғилиб қолиши, болалар учун табиийдир. Бир- бирига янгилик улашиш, шунингдек, ўйлаб юрган бирор масалани дарров ўртоқлашиш, дўсти фикрини билиш эҳтиёжи бола учун оддий ҳолатдир. Бунинг учун Интернетдаги тез ахборот аламашинувчи чатлар, тармоқлар ниҳоятда самаралидир.

Чатлар жуда катта имкониятлар эшигини очиб, болаларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча дўст билан фикр алмашиш, янги дўстлар орттириш, бошқа давлатдаги қариндошлар билан суҳбатлашиш, боғланиш имконини, видео, сурат ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан алмашиниш имконини беради. Шу сабабли болалар чатлардан жуда унумли фойдаланадилар.

**Диққат!** Аммо бундай саҳифа ва чатларда баъзан экстремистик, порнографик мазмундаги хабарлар, расмлар, видеолар учрайди ва бу табиийки, болада ёмон ва оғир таъсуротларни юзага келтириши мумкин. Бундан ташқари, бундай портал ва чатларда дўст ниқоби остида нотаниш одамлар, жумладан, жинойтчилар, ҳуқуқбузарлар яшириниши ҳам мумкин. Интернет тизимидан тўғри фойдаланишни билмайдиган, кўникмалар ҳосил қилмаган кизиқишлари мўл болалар бундай сайтларга баъзан билиб, баъзан билмай кириб қолишлари ва очик-сочик баён этилган шиорлар, порнографик материаллар, экстремистик мазмундаги мақола ва суратларга дуч келишлари ва уларни тўғри маънода қабул қилишлари мумкин.

*Тадқиқотларга кўра, интернетдан олинadиган маълумотларнинг 10 фоизи ҳақиқат, қолган 90 фоизи маънавий таҳдидларга хизмат қилар экан. Бу эса, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашни доимо тақозо этади. Модомики, интернет кафелари ёшларни ўзига жалб этиш хусусиятига шунчалар эга экан, бундан ёшлар тарбиясида оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиш ҳам мумкин. Улар замон талабларига жавоб бера олиши билан бирга,*

*маънавий-маърифий мақсадларимизга хизмат қилувчи ижтимоий сайтларнинг сифат ва сон жиҳатидан ортишга хизмат қилиши, миллий менталитетимиз, маънавиятимиз, қадриятларимизга зид бўлмаган ҳолда иш олиб бориш лозим.*

## **ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФЛАРИ ВА УНИ КАМАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР**

Интернет имкониятлари жуда кенг, аммо бу имкониятлар ундан яхши ва тўғри фойдаланувчилар учун ҳам, ундан нотўғри ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчилар учун ҳам бирдай амал қилади. Айниқса, тезкор ахборот тизимлари ва сайтларнинг мавжудлиги, очиқ чатлар, электрон почталар баъзи жиноятчилар учун ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга йўл очиб беради.

Ҳуқуқбузарлар Интернет тизимида мафкуравий заиф болаларни тез ва осон ўзларига оғдириб оладилар. Болалар зерикиб, дардини кимга айтишни билмай, ўз муаммолари билан ўзи қолиб кетган бир пайтда юқоридаги каби сайтларда сайр қилишлари ва ҳуқуқбузарлар уларни тез топиб олишлари мумкин. Чунки, болалар, айниқса ўсмирлар ўз муаммоларини ўз яқинларига айтмасликка, дуч келган муаммони ўзларича ҳал қилишга уринадилар. Табиийки, бунинг учун бегона маъқулроқ. Аммо бундай бегоналар “яхши одам”, “маслаҳатгуй” ниқоби остида болаларни нотўғри йўллارга бошлаши, уларнинг самимий ва соддаликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин. Чатда улар айнан шу образ сифатида гавдаланиб,

боланинг кўнглидан жой топишга, болаларга дўст сифатида кўринишга ҳаракат қилади. Олдинига болани тинглаб, унга ачингансимон муносабатда бўлган бундай ниқобли одамлар кўп ўтмай ўзининг ғаразли ниятларини, қабих ғояларини болаларга сингдира бошлайди. Кўпинча бундай мавзулар ғаразли, диний, миллий ҳамда кўпроқ жинсий мавзуга дахлдор бўлади. Кейинчалик эса болани бутунлай ўзига оғдириб ундан ўз ғояларини тарқатишда, сингдиришда фойдаланиши, бунданда қабих ишларга тортиши ва ўз қурбонига айлантериши мумкин.

**Диққат!** Баъзи ота-оналар фарзандларининг хархаша қилмасдан интернетда жимгина ўтиришидан қувонишади, аммо бу ҳолатдан сергак тортиш лозим. Фарзандингиз танимайдиган одамларга кўнғироқ қилишидан ва танимайдиган одамлар уларга кўнғироқ қилишидан ҳамиша огоҳ бўлинг. Нотаниш кимсалардан олинган совғаларга, ташрифларга эътибор қаратинг.

Фарзандингиз оила аъзоларидан узоқлашиб, интернет тизимида ўтиришни афзал кўришига эътиборли бўлинг.

## **Интернетдаги номаъқул ва зарарли дастурлар**

Зарарли дастурларга вируслар (червлар, троян отлари) киради, улар оилавий компьютерга зарар етказиб уни ичидаги маълумотларни йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, компьютернинг ишини сусайтириб, жўнатилган файллар, расмлар ва нусха ҳужжатлар орқали яқинларингиз компьютерларига ҳам зиён етказиши мумкин.

**Вирус нима?** Болаларга вирус компьютернинг тўғри ва фаол ишлатишга тўсқинлик қилувчи дастур эканини

тушунтириш лозим. Бундай дастурлар Интернет орқали тезда тарқалиб кетади ва компьютернинг тўғри ва тез ишлашига тўсқинлик қилади. Вируслар бирор киши, яъни фойдаланувчи томонидан ғаразли мақсадларда тарқатилиши мумкин.

**Баъзи вируслар (червлар) ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга, баъзилари (троян отлари) фойдали дастурларга ўхшайди ва алдов йули билан уни кўчириб олишингизни илтимос қилади.** Баъзи вируслар фойдалидай ишлайдию, бошқа компьютерга зарар етказаверади. Бундай дастурларни чегаралаш учун компьютернинг асосий дастурини доим янгилаш ва антивирус дастурларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Аммо, шунга қарамасдан ҳам, баъзан бундай дастурларнинг ўрнатилиши компьютерингизни 100% га ҳимоя қила олмайди. Кўпгина вирусли дастурлар, хатлар орқали жўнатилиб, сиз уни очганингиз биланоқ ишга тушади.

**Диққат!** 1. Болаларга уларга келаётган хатлар ва хат ичидаги таркибий файлларни очиш мумкин эмаслигини (истисно ҳолатлар бўмаса) уқтиринг.

2. Нотаниш одамдан келган хатларни ўчириб ташланг.

3. Антивирус дастурингизни доимий янгилаб туринг. Ҳар қандай хавф хатардан сизни албатта антивирус дастурлари ҳимоя қилишини ва бу дастурни доимий янгиланиб туришни унутмасангиз, болалар ҳам, сиз ҳам компьютернинг ноизчил ишлашидан азият чекмайсиз.

4. Доимо ёзган файлларингиздан нусха яратиб қўйинг ва болаларга ҳам бундай ишни амалга ошириш лозимлигини ўргатинг.

5. Тез-тез паролларни ўзгартириб туринг ва нима учун бундай қилиш кераклигини фарзандингизга ҳам тушунтиринг.

6. Болаларингизга ҳеч қандай паролларни айтиш мумкин эмаслигини, ҳатто энг яқин дўстларга ҳам очиш мумкин эмаслигини тушунтиринг.

7. Шахсий компьютердан бошқа компьютерларга ўтирганда, уларда паролларни, шахсий маълумотларни қолдириш мумкин эмаслигини ва бундай дастурлардан қандай қилиб чиқиб кетиш кераклигини болаларингизга ўргатинг.

## **ИНТЕРНЕТ ЎЙИНЛАРИ**

Болалар табиатан ўйин ўйнашни яхши кўрадилар, Интернетга келганда ҳам бу жараён истисно эмас. Интернет тизимида ўйин ўйнаш бир қатор қулайликларга эга: бола уйдан чиқмай, ўйин ўйнаш ваколатига, янгича услубларни қўллаш имконига, вертуал қаҳрамон образига кириш имконига эгаллиги уни ўзига тез ва осон жалб этади. Интернетда бундай ўйинлар сон-саноксиз бўлиб, турфа хил йўналишда ва ҳар хил ёшдаги болалар (баъзан катталар) учун мўлжаллангандир. Бундай ўйинларнинг кўпчилиги қонун талабларига мос бўлиб, болани ақлий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга, уни излаш ва изланишга даъват этадиган, тил ва нутқини ўстиришга қаратилган ўйинлардир.

Кичкинтойнинг ёши сал улғайиши билан отаси ёки онасининг тиззасида ўтириб, олдинида компьютерни шунчаки кузатиш билан чегараланади. Аммо вақт ўтган сари унга кузатишнинг ўзи камлик қилиб қолади. Энди у жараёнда қатнашишни, уни ушлаб кўришни, ўйлашни истайди. Бундай ҳолатда болани оз-оздан компьютерга ўргатиш мумкин. Аммо бу жараён кунига 15-20 дақиқадан ошмаслиги лозим. Фарзандингизни компьютер билан таништиришни

“сичқонча”дан бошлаган маъқул. Уни қўлда қандай тўғри ушлаш кераклигини, агар чап/ўнг тугмачалари босилса, нималар юз беришини, монитордаги курсор қандай ҳаракатланишини кўрсатиш лозим. Фарзандингиз қайси тугмачани босганда, бирор файлни очиб-ёпишини, қай бири эса функцияларни кўрсатишини эслаб қолиши керак.

Интернет тармоғида компьютер билан илк танишув учун махсус ишлаб чиқилган «*Капалаклар ва балиқчалар*» деган ўйин бор. Ўйиннинг моҳияти шундан иборат: бола исталган тугмачани босса, қора экранда гуллар, капалаклар ёки балиқчалар пайдо бўлади. Бу жуда қизиқарли ўйин, аммо бола тез зерикиб қолади, шу боис турли мавзу ва турли мураккабликдаги бир нечта ўйинларни танлаб олганингиз маъқул. Бу “сичқонча”ни бошқариш кўникмаларини ва экрандаги ўзгаришларга қараб, қўллар ҳаракатини ривожлантиради. Бундай ўйинлардан сўнг фарзандингиз, албатта, янгироқ ва мураккаброқ ўйинни истаб қолиши шубҳасиз, шунда дўконлар пештахтасидан турли-туман ўргатувчи ўйинларни, чет тиллари ва табиий фанлар бўйича қўлланмаларни, мантиқ ва фикрлашни ҳамда ижодий қобилиятни ривожлантирадиган ўйинларни қидириб топишингиз мумкин бўлади.

### **Ўргатувчи ўйинлар**

Улар шакллар ва рангларни, фигуралар, ҳарфлар ва рақамларни эслаб қолишга ёрдам беради. Бу ўйинлар ўқиш ва санашни ўрганишга ҳам яхши замин яратади. Ўйинлар нафақат математик, балки гуманитар соҳалар билимлари бўйича ҳам қобилиятни ривожлантиради. Бундай ўйинлар 3-8 ёшдаги болалар учун жуда фойдали.

## **Чет тилларини ривожлантирадиган ўйинлар**

Тилларни ўрганиш қаратилган ўйинлар кичкинтойларга бошида ёқмайди, чунки улар тушунарсиз, аммо ўйинлар орқали уларни ўрганиш жуда қизиқарли. Интернетда тил ўрганишнинг бир неча даражалари мавжуд: эндигина бошлаганларга алфавит ва оддий сўзлар, юқорироқ даражадагиларга анимацияли расмлар, қизиқарли викториналар. Бугунги кунда кўпгина эртак ва ҳикояларни ҳам аудио-форматда тинглаш мумкин. Ўйинлар қизиқарли услубларда, бирор бир эртак ёки китоб қаҳрамонидан фойдаланган ҳолда ишланган. Талаффузни караоке ёрдамида текшириш мумкин.

## **Табиий фанларни ривожлантириш учун қўлланмалар**

Бу табиат, биология, астрономия, физика ва кимёга қизиқувчи 5-6 ёшли болалар учун жуда қизиқарли таклиф. Севимли қаҳрамон кичкинтойга Ер сайёрасидаги ҳаёт ва унда яшовчи ҳайвонлар ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб беради.

## **Ривожлантирувчи ўйинлар**

Улар хотирани машқ қилдириш, тасаввурни ва маконли фикрлашни ривожлантиришга мўлжалланган. Бу ерда пазллар ҳам, бошқотирмалар ҳам, лабиринтлар ҳам бор. Улар болани ўйлашга, таҳлил қилишга ва конкрет ҳаракатларни эслаб қолишга мажбур қилади.



## **Фикрлашни ривожлантирувчи ўйинлар**

Улар 12 ёшгача бўлган болаларга ҳам мос келади. Ўйинларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда бирор бир топшириқ берилади, уни бажариш учун эса муайян ҳаракатларни амалга ошириш лозим бўлади. Бош қаҳрамон ёки боланинг энг яхши дўсти ўйин персонажи бўлиши мумкин. Бундай ўйинлар хотира ва фикрлаш қобилиятини ривожлантирадиган викториналар, танловлар ҳамда топшириқларни ўз ичига олади.

## **Боланинг ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи ўйинлар**

Булар энг қизиқарли ўйинлардан бири бўлса, ажабмас. Улар болага нима кўпроқ ёқишини билиб олишда ёрдам беради: муסיқа, тасвирий санъат ёки бошқаси. Энг яхши бастакорларнинг муסיқий асарлари дарсларни енгил ва ёқимли қилади, шунингдек улар эшитиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Фарзандингиз персонажлар билан биргаликда кўшиқлар басталаши ва уларни куйлаши мумкин. Баъзиларга кўпроқ бирор оригинал нарсани, масалан, онаси ёки дўстига совға қилиш учун табрикнома ёки наклейка яратиш ёқади. Ушбу қизиқиш футболкаларда, чашкаларда ва бошқа буюмларда ғаройиб ёзувлар ва суратларни яратиш имконини беради. Бундай ўйинлар 5-6 ёшдаги болаларга мос келади.

Интернетдан ўйин кўчираётганда – фарзандингизнинг қобилиятлари, ёқтириши ва қизиқишларини инобатга олинг. Ўғил болаларга ёққан нарса (мантиқий ўйинлар, саргузаштлар, техника), қиз болаларга ёқмаслиги, улар

хотиржамроқ ўйинларни афзал кўриши (музыка, тасвирий санъат, дизайн) мумкин. Аммо универсал ўйинлар ҳам мавжуд, улар иккала томонга ҳам ёқиши мумкин. Компьютер ўйинлари – бу нафақат кўнгилхушлик ва вақтни ёқимли ўтказишни, балки ўрганиш, олам ва атроф-муҳитни англашни ҳам билдиради. Аммо бу каби ўйинлар қаторида баъзи манфаатдор кишилар томонидан яратилган, пул тикиб ўйналадиган ўйинлар ҳам мавжуд бўлиб, болалар бу ўйинлар ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Шу билан бирга айнан ўйинлар болаларда интернетга рўжу қуйишга иштиёқни шакллантириб қўйиши мумкин. Шу сабабли бундай ўйинларнинг мақсад-муддаоси билан болаларни олдиндан огоҳлантириш ва тушунтириш зарур.

**Диққат!** Болаларингиз билан бирга ўйнанг. Тўғри, кўпинча улар бундан қочишга астойидил уринишади. Аммо фақат шу йўл билан сиз фарзандингизда интернетдан фойдаланиш маданияти шаклланишига эришишингиз мумкин.



## Болани дастурлашга ўргатувчи 10 та ўйин



Замонавий техника воситалари тараққий этаётган бир пайтда компьютер ўйинларининг ҳам кўплаб турлари ишлаб чиқилмоқда. Кўпинча компьютерда ўйин ўйнаб ўтирган болани кўрганимизда бизда салбий фикрлар уйғонади.

Чунки биз фарзандимиз уларга беҳуда вақт сарфляпти, деб ўйлаймиз. Бироқ шуни ҳам ҳисобга олишимиз керакки, яъни шундай ўйинлар ҳам борки, улар нафақат ўйин балки дастурлаш учун қўлланма шаклида яратилган. “Ўйлашимча, келажакда дастурчиларгина дастурлаш элементлари билан боғлиқ бўлмайдилар” - дейди Марк Цукерберг.

Фарзандларимиз келажакда дастурлаш асослари билан ҳаёт кечирар эканлар, уларни қийинчиликларга тайёрлаш, яъни дастурлашни ўргатишимиз керак. Болани дастурлашга ўргатиш шу қадар муҳимми? У келажакда футболчи ёки балерина бўлишни истаётган бўлса-чи? Жавоб жуда оддий: мантиқий фикрлаш ва ўз ишларини режалаштиришга ўргатиш учун дастурлашни билиш муҳим ҳисобланади. Ота-оналар замонавий фарзандлари кичик ёш давриданоқ планишет ва компьютерларни ёқишни билишини айтиб мақтанадилар. Техника воситаларига бўлган қизиқишни алгоритм тузувчи ва кодларни ёзишни ўргатувчи ўйинларни таклиф этиш орқали ёнма-ён олиб бориш мумкин.

**Kodable** Нима деб ўйлайсиз, неча ёшдан дастурлашни бошлаш мумкин? *Kodable* ташкилотчиларининг айтишича, ушбу ўйин икки ёшли болаларга ҳам таклиф этилиши мумкин. Кодларни ўргатишни ҳарфларни ўрганишдан аввал бошлаш мумкин. Ҳатто миттивойлар ҳам қизиқ лабиринт бўйлаб югуришлари, кетма-кетликка эътибор берган ҳолда, бир вақтнинг ўзида дастурларни тузишни ўрганишлари мумкин. Маслаҳатлар графиклар ёрдамида тақдим этилган, шунинг учун фарзандингиз маълумотни ўқишига тўғри

келмайди.

"Kodable"ни бошланғич синфларда информатикани ўрганиш учун тавсия этадилар: ўқитувчи ва ота-оналар ўрганиш жараёнини назорат қилиш, мураккаблик даражасини белгилаш ва муваффақиятларни кузатиб боришлари мумкин. Энг кичик ёшдаги болажонлар учун жуда яхши илк қадамдир.

[Code.org](#) “Дастурлаш даври” деб номланган нотижорат ташилот, халқаро ҳаракат томонидан ташиқил этилган Code.org сайтида болалар ва катталар учун бир неча маърифий курслар тўпланган. Улардан фойдаланишни бошлаш ёши – тўрт ёш. Ягона ўйин ёрдамида ҳамма нарсани бир вақтнинг ўзида ўрганиш имконсиз, аммо турли мультфильм қаҳрамонлари иштирок этган қадамма-қадам ўрганиш тизими тақдим этилган. Босқичма-босқич ҳаракатланиб, қисқа дастурларни яратишни ўрганиш мумкин.

[Lightbot](#) Смартфон ва планшетларда мавжуд бўлган ушбу ўйинда кичик робот буйруқларга бўйсуниб, керакли жойда лампочкани ёқиши керак. Бунда бола олдида турадиган асосий вазифа ўйинчоқнинг йўлини оддий буйруқлар ёрдамида режалаштиришдан, ота-оналарнинг вазифаси эса болакайларга расмларда нима акс этганини тушунтиришдан иборат. Lightbotни ўйнайдиган бола келажакда истеъдодли лойиҳалаштирувчи бўлиши аниқ эмас, аммо ўз ҳаракатларини режалаштириш ва содда алгоритмларни тузишни ўрганади. Бу илова ҳам мактаб ёшидагилар ёки 4-6 яшарлар учун тавсия этилиши мумкин. Лойиҳа ташиқилотчилари тўққиз ёшдан катта бўлган болалар учун ҳам мураккаб шаклдагисини тақлиф этишган. Айтганча, ота-оналар ҳам йўналишларни тузишда бажонидил иштирок этишлари мумкин. Робот болаларга ажойиблиги билан ёқади, ота-оналарни эса ўзининг жиддийлиги билан ром этади.

**ПиктоМир** Россия фан академияси буюртмасига асосан ишлаб чиқилган. “ПиктоМир” мактабгача ёшда бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб, жуда қизиқарли ишланган. Робот майдонни бўййди, бола эса алгоритмларни тузишни ўрганади. Барча эслатмалар графиклар ёрдамида бажарилган, шунинг учун “Пикто Мир”ни ўқишни билмайдиган болаларга ҳам беш ёшдан бошлаб бериш мумкин, олимлар ҳатто болаларга ҳам тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида анча ҳаракат қилишган. Агар оналар инглиз тилини билишмаса ёки дастурлаш борасида билимга эга бўлишмаса, аммо фарзандларида логикий фикрлашни ривожлантириши истагида бўлишса, “ПиктоМир” улар учун қутқарувчи вазифасини бажаради. Мобиль кўринишлари iOS, Android ва Windows Phone учун мавжуд, аммо иккита охиргисини ишлаб чиқарувчилар сайти орқали юклаб олиш зарур.

**Robozzle** Мазкур ўйиннинг маъноси вазифаларни бажариши ва кўрсаткичга қараб алгоритм тузиши бўлиб, у мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Тўғри оддий кўрсаткич етти ёшли болани узоқ вақт давомида қизиқтирмайди. Бироқ ўн ёшдаги ва ундан катта алгоритмлашдан хабари бўлган болаларни қизиқтириши аниқ, чунки энг қизиқ бошқотирмалар мураккаб бўлган босқичларда учрайди. Robozzl янги масалаларни тузиши ва излаб топиши бўйича чексиз имкониятлар тақдим этади, шунинг учун нафақат дастурлаш алифбосини ўрганиши, балки такрорлаш ва амалиёт учун ҳам мос келади.

**Cargo-Bot** Мактаб ёшигача бўлган болалар ўзини қулай хис қиладиган, ўзлаштириши учун оддий бўлган яна бир ўйин “Cargo-Bot”дир. Ундаги матнлар кам бўлганлиги учун болалар дастлабки вазифаларни бажариши ва энг кам юришлар билан қутиларни жойдан жойга олишида бир неча ҳарфларнигина фарқлай билишининг ўзи кифоя қилади. Мураккаб масалалар эса ҳатто катталарни ҳам узоқ

вақтга ўйлантириб қўяди. Бошқа ўргатувчи ўйинлар орасида Cargo-Bot ўзининг ёқимли расмлари билан ажралиб туради. Айтганча, Cargo-Bot бутунлай "iPad"да дастурлаштирилган.

**CodeMonkey** Фаройиб маймунни бошқаришни қадамма-қадам ўргатувчи онлайн ўйин, жуда содда тузилган. Ҳар бир янги босқич дастурлаш имкониятларини намойиш этади, кейинги масалани бажариш учун эса аввалги дарсга оид билимларни қўллашга тўғри келади. Бананга етиб бориш учун бир неча дақиқа керак, шунинг учун дарслар бола зерикиб қолмаслиги ва улгуришини ҳисобга олган ҳолда, жуда қулай ишланган. "CodeMonkey"нинг ютуғи шундаки, буйруқлар пиктограммалар ёрдамида берилади, вазифалар кетма-кетлиги эса деярли ҳақиқий кодлар қатори билан ёзилади.

**Scratch** "Scratch"ни мазкур рўйхатга қўйиши ноҳақликдир, чунки бу ўйини эмас, болаларни дастурлашга ўргатиш учун мўлжалланган махсус муҳитдир; киритмасликнинг ҳам иложи йўқ, чунки у аъло даражадаги ўргатиш кўрсатмасидир. Massachuset технология университетига тегишли "Scratch"дан кенг омма фойдаланиши мумкин.

Scratch имкониятлари унда масала ва босқичлари мавжуд эмаслигига қарамай катта таассурот қолдиради, бироқ уни қўллаш учун фантазия ва воситалар мавжуд. Ҳар бир дастурнинг мақсади болаларни мустақил равишда дастурлашга қаратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада универсал ечим ҳам йўқ, бироқ алгоритмлашга ўргатувчи ўйинларнинг кўпчилигида етишмайдиган ижод учун имконият мавжуд. Scratch саккиз ёшдан бошлаб болаларга тақдим этилиши мумкин.

**CeeBot** Узоқ чанг босиб ётган классикани ҳам унутиш керак эмас. "CeeBot"нинг ўргатувчи ўйинлари 2003 йилда таълим муассасалари учун махсус ишланма сифатида пайдо бўлди. Дастлаб яратувчилар янги сайёрани мустамлакага

айлантириш ҳақида ўйин яратдилар, унинг қизиқ жойи шунда эдики, қаҳрамонларни бошқариш учун ўз дастурингизни ёзишингиз талаб этиларди. SeeBot эса ўхшаш кўрсатмаларга эга бўлган бир неча масалалардан иборат бўлган ўйин тариқасида ўргатувчи курсдир. Янги сайёрада маҳаллий фаунани қириб ташлаётган дастурлаштирилган роботлар тарихи кичик ёшдаги болаларга тўғри келмаслиги мумкин, бироқ информатикага қизиқишини бошлаган ва алгоритм ҳақида тасаввурга эга бўлган ўсмирлар учун яхши қўлланмага айланади. SeeBot замонавий ўйинларга қараганда анча кўримсиз, аммо яна қайси ўйинда бола қаҳрамонларни максимал даражада C++га яқинлаштирилган шахсий дастурлар ёрдамида бошқариши мумкин?

**CodeCombat** CodeCombat жиддий, чунки бу ўйинда ҳақиқий кодлар ўргатилади ва голиб ҳақиқий дастурчига айланади. Сиз дастурлаш тилини ўзингиз танлаб, унда ўз қаҳрамонингиз учун буйруқлар ёзасиз (Ўйинда Python, JavaScript, Lua ёки CoffeeScript га ўхшаган тажрибадагилар таклиф этилади) ва кристалларни қидириб саёҳатга равона бўласиз. Ўғил болалар ва қиз болалар бу ўйинни саккиз ёшдан бошлаб ўйнашлари мумкин. Ўрганиш ва эслатмалар рус тилида. Ўйиндан мактабларда ҳам фойдаланса бўлади. Ўйинда ҳар бир босқичнинг бошланишида бола дастурлаш тўғрисида қизиқ ва илҳом берувчи иқтибосларни ўқийди, улар болага “бу код ўз-ўзидан сени ўргатиб қўёлмаслиги”ни эслатади. CodeCombat “отишмалар”га қараганда кўпроқ жалб этади, дам олиш ва ўргатиш учун энг яхши ўйинлардан биридир.

Ана кўрдингизми, ҳар бир нарсани ижобийга айлантириш ўзимизга боғлиқ. Ўйлаймизки, юқорида номлари келтирилган ўйинлар ёрдамида фарзандимиз нафақат вақтини қизиқарли, шу билан бирга унумли ўтказади. Келажакда дастурчи касбида фаолият юритмаса ҳам, иш ва вақтини ақл билан режаслаштирувчи инсонга айланади.

## ИНТЕРНЕТ ТОБЕЛИГИ

Бугунги кунда кўпгина болалар ўз вақтини асосан Интернетда ўтказаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги кунда таълим тизимини юқори ташкиллашган кўринишлари Интернет тизимида мавжудлигини инобатга олсак, бунинг қувонарли жиҳати ҳам мавжуд. Интернетдаги презентациялар, слайдлар, фильмлар, таълимий ўйинлар, тил ўрганишнинг онлайн шакли болаларни бўш вақтини мароқли, қизиқарли ўтказиши учун ғоят яхши. Аммо интернетда шунчаки зерикишни йўқотиш, кўнгилочар ўйинларни тинимсиз ўйнаш ва берилиб кетиш бориб-бориб Интернет қарамлигини келтириб чиқаради.

### **Фарзандингизда интернетга тобелик мавжудми?**

**Ҳа -1 балл, Йўқ-0 балл.**

1. Фарзандингиз Интернетдаги вақт чекловларини тез-тез бузиб турадими?
2. Интернет туфайли фарзандингиз уйдаги топшириқларни тез-тез бажармай қўядими?
3. Фарзандингиз оила даврасидан кўра кўпроқ вақтини Интернетда ўтказадими ?
4. Фарзандингиз тармоқда тез-тез янги дўстлар ортттирадими?
5. Фарзандингиз тармоқда ўтиришидан тез-тез нолийсизми?
6. Фарзандингиз ўқишидан оқсаётганини сезаяпсизми?
7. Фарзандингиз электрон почтасини тез-тез текширадими?
8. Фарзандингиз Интернетда нима билан шуғулланаётгани ҳақида айтгиси келмайдими?
9. Фарзандингиз сизнинг ихтиёрингизга қарши равишда Интернетда ўтирганини тез-тез илғаб қоласизми?
10. Фарзандингиз одамлар билан муомала қилишдан кўра,



Интернетдаги одамлар билан кўпроқ мулоқот қиладимизми?

11. Фарзандингиз компьютерда кўп вақтини сарфлайдими?
12. Компьютерни ва интернетни чегаралаганда, фарзандингиз асабий, безовта бўлганини сезаяпсизми?
13. Фарзандингиз Интернетда бўлган пайтда қувноқ, бошқа пайтда ҳорғин, кайфиятсиздай кўринаяптими?
14. Фарзандингиз дўстлари билан мулоқот қилишдан кўра тармоқда ўтиришни афзал кўрадими?
15. Фарзандингиз ўзининг олдинги қизиқишлари ва машғулотларидан кўра тармоқда ўтиришни афзал биладимизми?

Агар жавобларингизда “Ҳа” жавоб 12 баллдан юқори бўлса, демак, фарзандингизда интернет тобелик мавжуд ва сиз мутахассисга мурожаат этишингиз керак бўлади.

Агар “Ҳа” жавобингиз 8-12 баллгача бўлса, унда фарзандингизда интернет тобеликка мойиллик мавжуд. Сиз уни бошқа ўйинлар ва машғулотлар билан чалғитишга уринишингиз керак бўлади.

**Диққат!** Бунинг олдини олишда кўйидагиларни ёдда тутинг:

1. Фарзандингизнинг руҳиятига, ўзига хос характериға эътибор беринг. Баъзи болалар табиатан юмшоқ бўлиб, ижтимоий ҳаётга жуда секин мослашади. Улар реалликда ўзларини ожиз ҳис этсаларда, вертуаллик уларга қанот бағишлайди. Сабабки, интернет номаълум қолиш имконини беради. Реал ҳаётда ўзини ожиз, бегонадай ҳис қилган бола вертуал дунёда ўзини жуда яхши ҳис этади. Агар бола реал ҳаётда бирор нарсани уддасидан чиқмаса, дўстларининг таъқиблари остида яшаса, вертуал дунёда у нафақат ўз дунёқарашига мос тенгқурларни, дўстларни орттириши,

балки, ўз қизиқишларини руёбга чиқариши ҳам мумкин бўлади.

2. Фарзандингизни интернетда жуда кўп вақт ўтказаетганига бефарқ бўлманг. Интернетда кўп ўтириш фарзандингизнинг ўқиш фаолиятига, дўстлар билан мулоқотига қай даражада таъсир кўрсатаётганини аниқланг. Агар у ўзини реаликдан тамоман олиб қочса, сизни интернетни чеклаб қўйишингизга қарамасдан интернетга киришга интилса, интернет чекланганда кўпол, инжиқ бўлиб қолса, бу интернет қарамлигининг белгилари пайдо бўлаётганидан дарак.

3. Интернет мойиллиги кучайган пайтда педагог ва психолог билан маслаҳатлашиб, фарзандингизга альтернатив ўйинлар, тўгараклар, қўшимча дарсларни ташкил этиб беринг. Шунда фарзандингиз асосий эътиборини бошқа томонга қаратади.

4. Интернетда маълум дастурларни тўхтатиб, чеклаб қўядиган ва фарзандингиз кирадиган сайтларнинг руйхатини тузадиган дастурлар мавжуд.

5. Интернетни умуман чеклаб қуйманг. Яхшиси унга маълум чекловларни ўрнатинг, вақтини чекланг, уй вазифасини бажармагунча, Интернетни ёқишга қуйманг, катталар учун мўлжалланган сайтларни кўришга, уларда мулоқот қилишга йўл қуйманг.

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Интернетда маълумот, ахборот, ўқиш учун турли жанрдаги манбаалар жуда кўп. Болалар интернетда тарқалган миш-мишларга, уйдирмаларга тез ишонишлари, уни ҳақиқат деб қабул қилишлари жуда осон. Чунки Интернет тизимидаги бу манбааларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ҳеч ким текширмайди.

*Айрим маълумотларга қараганда, зўравонлик акс этган лавҳаларни кўриш болаларда жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин экан.*

*Масалан, АҚШда 1998 йилнинг 1 май куни эрта тонгда бир қатор телекомпаниялар болаларга мўлжалланган кўрсатувларини узиб қўйиб, Лос Анжелесдаги кўчада ўз жонига қасд қилган эркакни кўрсата бошлади. Ўшанда қўлда қурол билан кўчада ўткинчиларга таҳдид қилган ҳолда чопиб юрган ва охир-оқибат ўз миясига ўқ отиб, кўчани қип-қизил қонга бўяган эркакни телевизор атрофида ўтирган болалар томоша қилишга мажбур бўлганлар. Тўғри, кейинчалик телекомпаниялар ота-оналардан кечирим сўрасада, гишт қолипдан кўчган эди. Ҳозирга келиб бир қатор хорижий мамлакатларда бу каби кўринишлар одатий ҳолга айланиб улгурди. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, телевидения ва компьютернинг салбий таъсири натижасида баъзи мамлакатларда жиноятчилик авж олмоқда. Олимларнинг айтишича, ҳар қандай мамлакатда бугун кўрсатилган зўравонлик ҳолати 10-15 йил ўтиб ўз таъсирини кўрсатар экан. Бу борада Жанубий Африка ва Канадада ўтказилган тадқиқотлар мисол сифатида келтирилади. АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида 1969 йилда жамиятда зўравонликларни тадқиқ қилувчи Илмий – консультатив қўмитаси ташкил этилган. Қўмита ходимларининг сўзларига қараганда, вертуал зўравонликлар ҳаётдаги зўравонликларга сабаб бўлар экан.*

Унинг асосланганлиги, тўғрилиги, аниқлиги муаллифнинг интеллектуал даражасига боғлиқ. Шу сабабли болаларга Интернет манбааларидан тўғри фойдаланишни кичик ёшдан ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Уларга бир қанча манбаалардан, бир қанча қидирув операторларидан фойдаланишни маслаҳат беринг. Уларнинг олган маълумотларини бошқа манбааларда ҳам текширишга ўргатинг. Ахборотга, янгиликка, аниқликка эга бўлган сайтлар билан таништиришни унутманг. Олинган маълумотлар тўғри ёки нотўғрилигини сиз билан маслаҳатлашган ҳолда белгиласин.

Порнографик материаллар бериладиган сайтлар маълум дастурлар орқали фильтрациядан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Аммо баъзи болалар сайтларида ҳам шовинистик, миллатчилик руҳидаги материаллар бўлиши мумкин. Бундай дастурлар, сайтлардан фойдаланаётган фарзандингизга шовинизм, миллатчилик, диний экстремистик оқимлар ҳақида уларнинг ғаразгуй мақсадлари ҳақида тушунча беришни унутманг. Шунда фарзандингизнинг ҳамма томонлама ҳимоясини таъминлаган бўласиз.

*2002 йилда Вашингтон яқинида бир ўсмир 10 кишини отиб ташлаган эди. Мазкур ишни текширган терговчиларнинг фикрича, ўсмир “Матрица” (The Matrix) илмий-фантастик триллерини томоша қилганидан сўнг, мана шу қотиллика қўл ургани маълум бўлади. “Зўравонликлар акс этган фильмлар, телекўрсатувлар, видеоўйинлар зўравонлик хавфини кучайтиради” дейди Мичиган университетининг психология бўйича профессори Роуэлл Хьюсман. 1999 йилда Колорадодаги мактаблардан*

*бирида юз берган оммавий қотилликни ўрганган терговчиларнинг айтишича, ўз мактабдошларига ўқ отган ўсмирлардан бири кундаликларида “Қотил бўлиб тузилганлар” (Natural Born Killers) фильми хақида ёзиб қолдирган. Қурбонлар ҳамда жабрдийдаларнинг она-оналари эса отишмани уюштирган хар икки қотилга “Баскетболчининг кундалиги” (The Basketball Diaries) фильми таъсир ўтказган бўлиши мумкинлигини айтишади.*

## **ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ВА ИНТЕРНЕТ: ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАР**

Фарзандларингиз 18 ёшга етгунга қадар бир қанча ёш босқичларини босиб ўтиши ва айнан ўша босқичга тегишли руҳий ҳолатга эга бўлиши, сиз учун сир эмас. Бу ҳолат ва босқичларни Интернет тизимидан фойдаланишда ҳам ҳисобга олиш зарур.

### **7 ёшгача бўлган болалар:**

1. Бу ёшдаги болалар интилувчан ва жуда қизиқувчан, ҳамма нарсани ўрганишга мойиллиги кучли ва тез илғаб оладиган пайтни бошдан кечирадилар. Шу сабабли бу болаларда Интернетни ўрганишга эҳтиёж пайдо бўлиши биланоқ уларни тўғри йўналтира билиш лозимдир. Яъни уларга таълимий дастурларни очиб бериш, шунчаки мультфильмлар, ўйинлар эмас, бирор нарса ўргатадиган, тарбиявий жиҳатларга эга мультфильмларни қўйиб бериш мақсадга мувофиқ. Аммо бундай мултфильмлар, ўйинлар, дастурларда ҳам шовинистик ва экстремистик, зўравонликка йўғрилган ғоялар, чекиш ва ичишга доир материаллар бўлмаслиги керак.

**7-10 ёшгача бўлган болалар:** Бундай ёшли болаларда оила ҳисси жуда кучли бўлади. Бу ёшда уларда ахлоқий ва жинсий индивидуаллик шакллана бошлаган пайтдир. Улар ишонувчан бўлиб ўз идеаллари каби бўлишга интиладилар, шу сабабли интернетдаги материалларни фарқламай, танқидий мулоҳазадан ўтказмай қабул қиладилар. Бундай ёшдаги болаларда бирор нарсани ўрганиш, қизиқиш, тез илғаб олиш жараёни кучли бўлади. Шунинг учун бу ёшдаги болалар Интернетга қайси сайтларга кираётганидиган, нималардан фойдаланаётганидан хабардор бўлинг. Болалар учун оилавий почта очсангиз, уларга келаётган хатлар кимлардан келаётгани ҳақда огоҳ бўласиз. Сизнинг ихтиёрингизсиз болаларга мусиқали дастур ва файлларни кўчириш ва юклаш мумкин эмаслигини, унда турли зарарли вируслар бўлиши мумкинлигини уқтиринг. Бу ёшда уларга тез маълумот алмашинувчи чатлардан фойдаланмасликни маслаҳат берамиз. Улар билан интернетдаги дўстлари ҳақида суҳбатлашиб турганингиз маъқул. Агар хавотирга солаётган ҳолатлар бўлса, бу ҳақда сизга хабар беришлари лозимлигини уқтиринг.

**10-13 ёшдаги болалар:** Бу энг кичик ўсмир ёшдаги болалардир. Улар бу пайтда қатор ўзгаришларни бошдан кечиришади. Бу ёшда улар ота- оналарига тобеликларини ҳис қилиб турсаларда, мустақил бўлишга мойилликлари кучли бўлади. Бу ёшдаги болалар катталарнинг розилигисиз сайтларга кириш, исталган инсон билан мулоқот қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бунинг учун сиз фарзандингиз қайси сайтларга кирганлиги ҳақида ахборот берувчи дастурлардан фойдаланганингиз маъқул. Сиз болаларингизга билдирмасдан уларни қайси сайтларга кираётгани ҳақида

тўлиқ маълумотга эга бўласиз. Бу ёшдаги фарзандингиз Интернетдан фойдаланиш қоидаларини билиши, таъқиқланган сайтлар ҳақида ахборотга эга экани ҳақида суҳбатлашишингиз керак. Агарда бундай сайтларни билмаса уларнинг руйхатини тузиб берганингиз маъқул ва уларга нима учун кириш мумкин эмаслиги ҳақида ҳам фарзандингизга тушунча бериш лозим. Фарзандингизга интернет орқали танишган одамлар билан учрашиш хавфли эканини, агар шундай одамлар чиқса улар ҳақда дарҳол ахборот беришларини сўранг. Тизимда ишлаётганда, ўқиётганда, ўйнаётганда, чатларда фикр алмашганда, уришиш, кўпол сўзларни ишлатиш умуман мумкин эмаслигини, Интернет тизимида фарзандингиз ўзини муносиб тутиши кераклигини фарзандингизга тушунтиринг.

**14-17 ёшли болалар:** Бу ёшдаги болалар ота-оналарига нисбатан кўпроқ ўз тенгқурларига қулоқ соладилар. 17 ёшли болалар ҳаётдаги ўз ўрнини топишга интиладилар. Аммо оилавий қадриятлар ҳам уларни бефарқ қолдирмайди.

Улар янги ғоялар ва фикрлар билан тўлиб тошиб юрадилар, аммо уларни амалга оширишга тажрибалари камлик қилади.

Бундай ёшли болалар Интернетда қандай маълумотлар борлигини яхши биладилар ва ҳаммасини ўз кўзлари билан кўришни, эшитишни, ўқишни истайдилар. Шу сабабли уларнинг бу даврдаги ахборотни чиройли қилиб тушунтиришга ҳаракат қилинг. Интернетдаги исталмаган сайтларни дастурий филтрларга солиб қўйишни унутманг.

Бу ёшдаги болалар мусиқа юклашни, электрон почтадан, қидирув машиналаридан фойдаланишни яхши биладилар. Улар ўз ота-оналарига нисбатан Интернет тизимини яхши

биладилар. Шунга қарамай, катталар улар билан доимо қизиқиши айни шу пайтда улар билан дўстона мулоқот қилиши ва бу жараён Интернет масаласига келганда ҳам бирдай амал қилиниши керак бўлади. Катталар фарзандлари Интернетда олиб бораётган ишлари, кираётган сайтлари, гаплашаётган дўстлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Буни фарзандингизни ўзи айтиб бергани энг яхши ҳолат. Уларга ўзлари ва оиласи ҳақида ахборот бериш мумкин эмаслигини, гаплашаётган нотанишлари орасида ниқобли одамлар бўлиши мумкинлигини ҳам тушунтиришни унутманг.

Улардан мусиқа ва файлларни юклашда маслаҳат қилишни илтимос қилинг.

Болалар ҳар қандай ҳолатда ҳам яхши сирдош ва яхши дўстга муҳтож, шунинг учун

## **БОЛАЛАРИНГИЗГА ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!**



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Интернет олами ва болалар.....	7
Интернетдан фойдаланиш хавфлари ва уни камайтирувчи омиллар.....	11
Интернет ўйинлари.....	14
Болани дастурлашга ўргатувчи 10 та ўйин.....	19
Интернет тобелиги.....	24
Ахборот хавфсизлиги.....	27
Фарзандларингиз ва интернет: ёши билан боғлиқ жиҳатлар.....	29

**Абдуллаева Хулкар Рахматуллаевна**

**ИНТЕРНЕТ  
ВА  
БОЛАЛАР**

Босишга 26.10.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Ҳажми 2,1 босма табоқ.

Адади 300 нусха.

58-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани,

Бобур кўчаси, 4- уй.